



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган


2005 йил 15 октябрь, шанба

№ 83 (11.782)

Эркин нарҳда сотилади

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЙЎЛИ

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий ўйи Президент Ислон Каримовнинг «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.



Китобда давлатимиз раҳбарининг бозор иқтисодиёти шароитида — тараққиётнинг Ўзбек модели, банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорликка доир назарий қарашлари, қимматли ғоя, фикр ва мулоҳазалари, амалий ёндашувлари жамланган бўлиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимизнинг халқроқ иқтисодиёт тизими билан интеграциялашувига боғлиқ қўлпал муҳим ва долзарб масалалар теран таърифлаб берилган.

Китобни мутолаа қилар экансиз, иқтисодий мустақилликка эришиш учун халқимиз босиб ўтган машаққатли ва мураккаб тарихий тараққиёт йўли кўз олдидан кўриш мумкин бўлади. Миллий валютамизнинг муомаласида киритилиши, чет эл сармоясининг мамлакат иқтисодиётига кенг жалб этиш учун олиб борилган саясий-ҳаракатлар, халқроқ иқтисодий ва молия ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик, банк,

молия ва кредит тизимини жаҳон талаблари даражасига кўтариш, экспортни кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизда бугунги барқарор ўсишга босқичма-босқич равишда қандай замин яратилгани ушбу китобда ўзининг хар томонлама чуқур ифодасини топган.

Юртбошимизнинг ўн уч йиллик асарлари асосида тайёрланган ушбу мажмуа банк ва молия тизими ҳодимлари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалар ҳамда банк-молия муносабатлари билан шуғулланаётган, шу соҳа бўйича фаоллиқ юритиб келган мутахассислар учун доимо иш столи устида турадиган, қўлдан қўймай фойдаланиладиган қимматли манбадир. Шу билан бирга, мазкур китоб нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга.

Президент Ислон Каримов 1993 йили Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нотиқиди: «Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш — иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир», — деб уқтирган эди. Ушбу китоб шу қўлтуғ эзгу мақсад йўлидаги собитқадам интилишни ўзида яққол мужассам этади.

Ў.А.



СУРАТЛАРДА: (Юқорида) Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги теримчилари Гулайда Бойменова ва Нигора Маҳмудова; «Ийк-ота» ширкат ҳўжалиги пудратчиси Саломат Хамроева ва ҳўжалик аъзоси Абдулла Бегматов пахтазорда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Айни кунларда бутун Ўзбекистон халқи ушбу улкан ғалаба нашидасида яхши кайфият ва кўтаринки руҳ билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Айниқса, республика Президентининг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрикомасида йиғим-терим иштирокчилари шаънига айтилган илик миннатдорчилик сўзлари, билдирилган самимий тилак ва истаклар барча ҳаюратларимизни беҳад хушуд этди.

Табрикомасида таъкидланганидек, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёрқин саҳифа бўлиши бу ажайиб ғалаба мамлакат ҳаётининг барча жабҳалари, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида изчил амалга оширилаётган туб ислохотлар ва айниқса, республика ҳўқумати тармоқини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган амалий ғамхўрликлари самарасидир. Қишлоқ ҳўжалигини истиқболни ўйлаб, тармоқ таъминотини янада такомиллаштириш ва мукаммал ҳамда изчил йўлга қўйиш мақ-

садида амалга оширилаётган чора-тадбирлар барча қишлоқ меҳнаткашлари руҳини кўтариб, янги-янги зафарларга эришиш йўлида тинимсиз изланиш ва интилишга, ташаббус кўрсатиб ишлашга рағбатлантирмоқда. Буни она-Ватанимизнинг бу йилги улкан пахта хирмонининг мисли кўрилмаган қисқа муддатда бунёд этилишига, беистисно, барча вилоятлар меҳнаткашларининг муносиб улуш қўшганиликларидан ҳам аққол кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, зафар маррасига тобора яқинлашиб келаётган вилоятимиз меҳнаткашларининг ҳам республикамизнинг умумий пахта хирмонидан ўзларига яраша улуши бори. Бугунги кунгача вилоятимизда 250 минг тоннадан зиёд пахта тайёрланди. Чиноз тумани пахтакорлари ўз аъёнларига содиқ қолиб, давлат эҳтиёжлари учун пахта тайёрлаш шартнома мажбуриятини вилоятда биринчи, республикада эса пешқадамлар сафида бажарган бўлсалар, кўйичиқликлар худди республика да бўлганидек, қўлдан

«Пахта — 2005»

АМАЛИЙ ҒАМХЎРЛИК НАТИЖАСИ

Ўзбекистоннинг 3 миллион 600 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш бўйича шартнома мажбурияти мамлакат пахтачилиги тарихида биринчи марта октябрь ойининг ўртасида муваффақиятли адо этилди.



буён орзу қилиб келинган натижага эришиб, шартнома режасини вилоятда иккинчи бўлиб, октябрь ойининг биринчи ярмида бажардилар.

Юқоричирчиқ тумани пахтакорлари шимолӣ минтақада жойлашганлари боис терим мавсуми ҳаммадан кейин бошлашига қарамай, ушшоқлик ва оммавий сафарбарлик туфайли кунлик суръатда энг рағбатли. Хусусан, Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат чикиб олдилари ва кунлик теримда ҳамон пешқадамлик қилиб, шартнома мажбуриятини бажариш арасида турибдилар. Улар изидан бораётган бекободликлар ҳам шартнома мажбуриятини 20 октябргача бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Яна иккита катта қарвон — Окўўрғон ҳамда Бўка туманлари барча куч ва имкониятларини йиғим-терим мавсумини ёруғ юз билан яқунлашга сафарбар этмоқда.

Ушбу туманларда кунига 1,50-1,70 фоиз миқдоридан хом ашё тайёрланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоят пахтазорларида терим мавсуми якуний паллага кириб бораётганига қарамай, кунлик суръат пасаймаслиги учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Натижада шартнома мажбуриятини бажарган ҳўжаликлар сафи кун сайин кенгайиб бораёпти. Хусусан, Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат қўжалиги 597 гектар майдондан 1612 тонна хосил йиғиштириб олиб, шартнома мажбуриятини бажариш арасида турибдилар. Бундан ташқари шартнома мажбуриятини бажариш арасида турибдилар. Улар изидан бораётган бекободликлар ҳам шартнома мажбуриятини 20 октябргача бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Яна иккита катта қарвон — Окўўрғон ҳамда Бўка туманлари барча куч ва имкониятларини йиғим-терим мавсумини ёруғ юз билан яқунлашга сафарбар этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, вилоят пахтазорларида терим мавсуми якуний паллага кириб бораётганига қарамай, кунлик суръат пасаймаслиги учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Натижада шартнома мажбуриятини бажарган ҳўжаликлар сафи кун сайин кенгайиб бораёпти. Хусусан, Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат қўжалиги 597 гектар майдондан 1612 тонна хосил йиғиштириб олиб, шартнома мажбуриятини бажариш арасида турибдилар. Бундан ташқари шартнома мажбуриятини бажариш арасида турибдилар. Улар изидан бораётган бекободликлар ҳам шартнома мажбуриятини 20 октябргача бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Яна иккита катта қарвон — Окўўрғон ҳамда Бўка туманлари барча куч ва имкониятларини йиғим-терим мавсумини ёруғ юз билан яқунлашга сафарбар этмоқда.

Бекобод туманидаги М. Улугбек номи йирик ширкат қўжалиги пахтакорлари ҳам шартнома режасини бажардилар. 1310 гектар майдондан қарийб 27 центнердан хосил кўтарилиб, қабул пунктларига шартномадаги 3450 тонна ўрнига 3530 тоннадан зиёд хом ашё топширилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, давлатга сотилган 858 миллион сўмлик пахтадан ҳўжалик камида 83 миллион сўм соф фойда кўриши кўтилмоқда.

Абдусамид Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

«Ачамайли» ширкат ҳўжалиги нафақат Бўка туманида, балки бутун вилоятда ҳам илгорлардан бири сифатида эътироф этилади. Мана, бир неча йилдирки, ҳўжалик галла ва пахта тайёрлаш шартнома режасини пешқадамлар сафида адо этиб келмоқда. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ҳўжалик пахтакорлари қабул масканларига режадаги 1632 тонна ўрнига, 1747 тоннадан зиёд сифатли хом ашё тақозиб беришди. Хосилдорлик 28,2 центнердан ошди.

ЗАЛВОРЛИ ХИРМОНДАН САЛМОҚЛИ ДАРОМАД

Нафсиламбрини айтиш кераки, туманда пахтачилик учун зарур бўлган табиий ресурслар чекланган, тупроқ унумдорлиги анча паст. Шундай экан, мўл хосил этиштиришнинг бирдан-бир йўли ғўза парваришида қўшимча агротехник чора-тадбирларни қўллашдир. Шунинг билан, ачамайлик пахтакорлари ҳў ийли асосий эътиборини ҳосилнинг эрта пишиб етилишига, иш ҳўқи ва қўшимча меҳнат тўловларига қаратдилар.

Ютуқларимизнинг яна бир омил, шубҳасиз, теримда сафарбарликнинг яхши ташкил этилаётганини, фермерлик ҳаракатида кенг йўл очилганлигини, — дейди бошқарув раиси Собиржон Тўхтабоев.

Дарҳақиқат, режа ортиғи билан бажарилган бўлса-да, сафарбарлик, терим суръати бўшагани йўқ. Ҳўжалик айни вақтда уруғлик пахта етиштириш ҳам иқтисодлашиб бормоқда. Чунки, бу йилги хирмоннинг тенг ярми уруғлик пахтадир. Шундан ҳам қўринадики, ҳўжаликнинг пахтачиликдан кўраётган даромади йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, бу йил пахтадан 520 миллион сўмдан зиёд даромад олиш мўлжалланмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ МАҚСАДЛАРИ

«Экосан» халқроқ ташкилотининг ташаббуси билан ҳар йили мамлакатимизда уч бошқича «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказиб келинмоқда.

2005 йил мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида ушбу йилдаги тартибларни қўйиб, айни йилдаги иқтисодий аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Сентябрь ойидан ушбу тадбирнинг учинчи бошқичи бошланди. Жойларда экологик вазиетни яхшилашга қаратилган бар бошқич учун белгиланган режалар оммавий равишда амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишига ва унинг доирасида «Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи бошқичи мақсад ва вазифаларига бағишлаб «Экосан» фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўз муҳбиримиз.

Обуна — 2006

Шу кунларда республика вақтли нашрларига обуна тўплаш мавсуми қизгин давом этмоқда. Шаҳар, туман, қишлоқларнинг алоқа бўлимларида умумсий, оммабоп ҳамда тармоқ газет ва журналларга 2006 йил учун обуналарни расмийлаштириш жадал тус оляпти.

Кейинги кунларда Тошкентдаги автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ёнида пайдо бўлган машиналар қатори кўпчиликни таажжубга солди. Чунки бундай манзарани биз аллақачон унутиб юборган эдик.

БЕНЗИН ТАҚЧИЛЛИГИ НЕГА РЎЙ БЕРДИ?

Мустақилликнинг илк йилларида юзга келган ёнилғи тақчиллиги давлатимиз раҳбариятининг саясий-ҳаракатлари билан тезда бартафав айтилган эди. Илгари нефть маҳсулотлари асосан четдан келтирилган. Мана неча йилдирки, ўзинида қазиб олинган нефть маҳсулотлари қайта ишланиб, халқ ҳўжалиги ва аҳоли истеъмол учун мунтазам етказиб беришмоқда.

Умуман олганда, бензин, солярақ, мазут, керосин сингари нефть маҳсулотлари бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида энг кўп нефть захираларига эга бўлган Қозоғистон уни қазиб олишни 30 фоизга ва экспорт ҳаддини 25 фоизга қисқартирди. Бу ҳам албатта жаҳон бозорларида нефть нархининг ошиши билан узвий боғлиқ эди. Қозоғистон энергетика ва минерал ресурслар вазири Владимир Школьниковнинг эътирофи эътишо, таъминотчилар бензинни арзон нарҳда мамлакат ичарисидан сотганидан кўра, рини кўчатириб, кишидаги маънавий баркамоллигини боғийтади.

Кейинги йилларда ҳар бир соҳада катта-катта ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар қизгин тус олди. Ҳар бир кунимиз тарих саҳифаларида алоҳида из қолдирмоқда. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, хабарларни одамларга етказишда матбуот ҳодимларининг хизматлари алоҳида ўрин тутди.

Филиалимиз ва унинг тизимидаги шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари кўп йиллардан бери нафақат вилоят ва республика, балки халқроқ

(Давоми 2-бетда).

МАВСУМ ҚАНДАЙ КЕЧМОҚДА?

Муҳбиримиз 2006 йилги обуна мавсумини ташкил қилиш, шунингдек, обуначиларга қўлайликлар яратиш жараёнилари билан танишиш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ошқ акциядорлик жамияти «Тошкент» филиал директори Зоҳиджон Қосимовга муурожаат этди.

— Матбуот нашрлари ҳар бир газетхонни сўнгги янгиликлар, хабарлар билан таништириш, одамларга маданий-маънавий ҳодимлик ҳамда кўтаринки руҳ бахш этади, — деди Зоҳиджон Зоҳиджон. — Шунингдек, замондошларимизнинг ижтимоий, сиёсий фаолликлари

(Давоми 2-бетда).

«ЧОДИРЛИ ШАҲАРЧА»НИНГ СИРИ

«Ҳар бир чодирнинг ўз «каттаси» бор эди. Хорижлик журналистлар келганида, «каттамиз» бизни палаткадан ташқарига чиқармас эди».

Анджон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари содир этилган ўша оғир дамларда юзга келган қалитсиз вазиетдан ўзининг ғарзали мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринган кўчалар турли иғво ва уйдирмалар тўқиди, сохта талқинлар, туғуриқдор даъволар билан олганга жор солди. Шундай бўлганлардан бири — айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида Анджондан Қирғизистонга ўтган «қочқинлар» тўғрисида тарқатилган ёлғон ахборотлардир.

Ушанда хорижий телеканаллар катта-катта «бозор сумкалари»ни кўтарган олиб-сотарлар, бўрибосар итини оғичлаб олган дўпчилик киши, қандайдир ёш йигитлар ёрдамида кўприқдан ўтаётган қария онахон, канал бўйида соя-салқинда дам олиб ўтирган жувонлару турнақатор чодирларни ўзаро тақсимлаётган йигитлар ақк этган тасвирларни қайта-қайта намойиш қилиб, жаҳон жамоатчилигини ушбу кадрдагиларнинг барчаси «Ўзбекистондан қувгин қилинган тинч аҳоли вакиллари» эканига ишонтиришга уринган эди. Ҳар бир «хуқуқ ҳимоячилари» деб атайдиган хорижлик баъзи бир «жонкуярлар»: «Эртага Қирғизистон худудига Ўзбекистондан бир миллион қочқоқ ўтади», дея айюҳаннос солди.

Вақт — олий ҳакам. Бу уйдирмаларнинг биронтаси ҳозирга қадар ўз тасдиғини топмади. Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Анджонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчиға оид жиноий иш бўйича давом этаётган суд жараёнида судланувчилар, жабрланувчилар, даъвогарлар, гувоҳлар сўзлаб берган воқеалар ривожига кўра, аслида, Анджон вилояти ҳокимлиғи биносига ўрнашиб олган қуролли босқин-

чилар ўзларининг ноқонуний талабларига ҳўқуматдан рад жавоби олғач, 13 май оқшомида уч гуруҳга бўлинган ҳолда бинони тарқ этган. Шундан сўнг жангарилар гаровга олинганлардан, шунингдек, алдаш, чалғитиш ва таъйик орқали майдонга йиғилган фуқаролардан жонли қалқон ясаб, уларнинг панасида оила аъзолари, қариндош-уруғлари билан бирга олдиндан тайёрлаб қўйилган жойларга, жумладан, қўшни Қирғизистон худудига қочиб ўтганлар. Бир зумда «қочқинлар» макомини олиб улгурган бу одамлар орасида Қирғизистоннинг ўнлаб фуқаролари, қуролли босқинчилар, Анджондаги қамоқхонадан ноқонуний чиқариб юборилган ашаддий жиноятчилар ҳам бор эди.

Айтиш жоизки, тез орада «қочқинлар» ўрнашган жойдан «Ватанимизни ҳў қарчон, ҳеч кимга сотмаймиш, хато қилган бўлсақ айбимизни тан олишга ва юртимизга қайтишга тайёрмиш», деган мазмунда хат-хабарлар кела бошлади. Кейинчалик палаткаларда мажбуран яшаб турган бир қанча юрдошимиз дарабадарлик азобидан халос бўлиб, ўз уйларига қайтди.

Тошкентда ўтаётган суд жараёнида «қочқинлар» лагерига бўлиб қайтган фуқароларнинг қўрсатмалари ҳам тинглангани «Чодирли шаҳарча»нинг сирини очилди.

Гувоҳ Ҳаётбек Акбаров 13 май кўни тушдан кейин эски шаҳарга бозорга бораётганида ёнаётган театр биноси ёнида бир гуруҳ қуролли шахслар дўч келди ва уларнинг талаби билан майдонга боради. Қирғизистонда ўтган кўнларнинг у шундай эслади: «Палаткамизнинг «каттаси» ҳар бир қадамимизни кузатиб турарди. Хорижлик журналистлар келганида «Улар билан гаплашадиган одамлар бор», деб бизнинг палаткамизга киришиб юборарди. Шу аҳволда 14 кун яшаганимдан кейин онам маҳалламизга оқсоқоли билан бориб мени Анджонга олиб келдилар».

Бошқа гувоҳ — Раҳимберди Маҳмудов ҳам 13 май кўни эски шаҳардаги маҳаллада ёнаётган театр биноси ёнида бир гуруҳ қуролли шахслар дўч келди ва уларнинг талаби билан майдонга боради. Қирғизистонда ўтган кўнларнинг у шундай эслади: «Палаткамизнинг «каттаси» ҳар бир қадамимизни кузатиб турарди. Хорижлик журналистлар келганида «Улар билан гаплашадиган одамлар бор», деб бизнинг палаткамизга киришиб юборарди. Шу аҳволда 14 кун яшаганимдан кейин онам маҳалламизга оқсоқоли билан бориб мени Анджонга олиб келдилар».

Анджон вилояти ҳокимлиғи биноси яқинидаги маҳаллада яшайдиган Жамолдин Тўхтақоҳунов 13 май кўни шаҳарда кўчага чиққанида, жангарилар: «Сенга тегишли гаплар бўлмайпти», деб уни майдонга ҳайдаб келди. Ж.Тўхтақоҳунов

(Давоми 2-бетда).

БЕНЗИН ТАҚЧИЛЛИГИ НЕГА РЎЙ БЕРДИ?

қимматроқ нархда четга сотиши афзал билишди. М.салам, Жанубий Қозғистондаги «Петроказхстан ойл продэктс» акционерлик жамияти сентябрь ойида Грузия, Латвия, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 32 минг тоннага яқин ёнилги жўнатган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Қозғистон ҳукумати 11 октябрь кўни шу йилнинг охиригача бензин ва дизель ёнилгисини мамлакатдан олиб чиқилиши тақиқлаб қўйди. Бу эса Жанубий Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистонда жиддий нефть тақчиллигини келтириб чиқарди. Бензин нархи бир АҚШ долларидан ҳам ортди кетди. Ёнилги қўйиш шохобчаларида қатор навбатлар пайдо бўлди. Матбуот хабарларига кўра, Чимкентдаги 80 та ёнилги қўйиш шохобчасидан 30 таси ишмай қолган. Қозғистонда чиқадиган «Экспресс К» газетасининг ёзишича, «КазМунайГаз» компанияси шу йилнинг охирида Лондон биржасидаги иқтисодиёт бозорда ўзининг 49 фоиз акциясини сотишга қўйиш ниятида. Қозғистон парламенти депутатларининг фикрича, мамлакатдаги мавжуд учта нефтни қайта ишлаш заводининг охиригиса устидан ҳам давлат назорати ўйдолиши мумкин. Павлодар ва Чимкент нефтни қайта ишлаш заводлари аллақачон хусусийлаштирилган. Хусусий мулк соҳибларининг кўпроқ фойдала олиш иштиёқини эса хиллаш осон эмас. Бензин қаёққа сотилишининг улар учун аҳамияти йўқ, кўпроқ фойда келса бўлди.

904 тонна, октябрнинг дастлабки 12 кўнида 1105 тонна бензин етказиб берилди. Аммо шу ҳам етмапти. Яна бир муаммо шуки, бензинни қўшни давлатларга олиб чиқиб кетишга уринишлар ҳам бўлапти. Чунки уни қиммат нархда сотиб, мўмай пул ишлаб олишга интилувчилар кам эмас. Бундан қўлулининг бирдан-бир йўли қўшни давлатлар билан нефть маҳсулотлари нархларини аста-секин бараварлаштириш. Минтақда яратилиши мўлжалланган умумий бозор манфаатлари ҳам шунга тақозо қилади. Хўш, биз ўзимизда ишлаб чиқарилган бензин билан ўз истеъмолчиларимизни таъминлай оламизми? Шундай савол билан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ёқилги-энергетика комплекси, қимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири Равайнбек Маматқодирович Мамадалиевага мурожаат қилди.

— Ўзбекистон ўз нефть маҳсулотлари билан ўзини тўла таъминлай олади, — дейди Р.Мамадалиев. — Фарғона ва Бухоро нефтини қайта ишлаш заводлари маҳсулотни пайдаланмай жўнатиб турибди. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида республикамизда 1 миллион 22,2 минг тонна бензин ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизни ташкил этади. Хозирги пайтда «Ўнефтьмаҳсулот» компанияси томонидан мавжуд ёнилги тақчиллигини бартараф этиш ва аҳолини автобензин билан узлуксиз таъминлаш бўйича барча чоралар қўрилмоқда. Айни пайтда, ёнилги қўйиш шохобчалари орқали бензиннинг сотилиши устидан назорат қўйирилди, қанисстр ва бошқа идораларда бензин сотиш тақиқланди.

Ўзбекистон ҳукумати бугунги кўнда нефть казиб олишни қўпайтириш, янги қонларни ўзлаштириш, геология-қидирув ишларини қўпайтириш бўйича кенг миқёсдаги тадбирларни амалга оширмоқда. Россия, Хитой ва яқинда Малайзия давлатларининг нефть ва газ компаниялари билан имзоланган шартномалар худди ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Насриддин МУХАММАДИЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таассуф

Байрам кўнлари эди. Телевидение орқали мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган хорижий сайёҳнинг фикрларини эшитиб қолдим. У бундан 5-6 йил аввал пойтахтимизда бўлганини, ўша вақтлардаёқ азим шаҳарда кетаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратланганини, айна сафар эса, гўзал шахримизнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб, бекиёс гўшага айланиб улгурганини тўққинлиб гапирарди.

Дарҳақиқат, юртимиз салоҳияти, серкира имкониятлари айниқса, кейинги пайтлар авжа чиққан бунёдкорлик ва ободончилик ишларида буй кўрсатаётганини нафақат халқимиз, бўтун дунё аҳли эътироф этмоқда.

Холис айтганда, буларнинг бари шунчаки иш эмас. Юртимиз шаҳар ва қишлоқларини жаннатмақон гўшаларга айлантириш, авлодларга обод Ватан қолдириш

ши, узок вақт хизмат қилиши, ўзига хос мезморий кўриниш касби этиши, энг асосийси, одамларга қўлайлик яратиши, шу билан бирга маскан кўрмига қўрқ қўйиши, таъбир жоиз бўлса, ўша худуднинг маънавий қиёфасига мос бўлиши керак.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам бунёдкорлик, ободончилик ишларига масъулия, фидоийлик, кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси билан ёндошилавермас экан. Хар ҳолда сер-



юксак фидоийлик, жонбозлик, бекиёс меҳнат билан бир қаторда улкан молиявий омилини талаб этади. Бу масалага давлат томонидан катта эътибор берилмагани, бунёдкорлик ишларига бевоқифа юртбошимиз раҳнамолик қилиб келаятигани бежиз эмас. Шундай экан, қор ободлиги, чор-атрофнинг файзиёб қиёфаси ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги зарур.


Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам қўллаб қўрқам бинолар, обод маҳаллар, миллий мезморчилик аъёнчалари услубида барпо этилган бутун-бутун гузарлар пайдо бўлапти. Вилоят ҳокимлиги ободончилик ишларига катта-катта маблағ ажратмоқда, худудларни ободонлаштиришнинг истиқболли дастурлари амалга оширилаётир.

Шу ўринда мавзуга доир яна бир мулоҳаза. Эътибор берсангиз, юртбошимиз қаерда бирор янги иншоот қўрилса, улкан қўрилиш ишлари бошланса, объектларни шахсан бориб кўрадилар ва албатта, ўзларининг зарурий маслаҳатларини ўртага ташлайдилар. Бу ҳам бежиз эмас. Уринсиз, муайян улчамга, режага асосланган, пала-партиш қўрилишлардан наф йўқ, хар бир иншоот ўз ўрнида бўли-

шасан бўлганга қараганда, шох бекатдаги йўловчи йўлақлари бўйидаги уюм-уюм ахлат чикиндиларини қўрган киши, бу гўшада ободончилик борасида қилинажак ишлар ҳали-бери етарли эмаслигига иқор бўлади. Наҳотки, шу кўчадан кўнча бир неча марталаб ўтадиган тўйепаликлар ноҳус манзарага эътибор беришмас, сергақ тортишмас?

Пашшадан фил ясаш ниятида эмасми. Бироқ туманда яккаю ягона ҳисобланган, бир вақтлар аҳоли келиб дам оладиган, турфа сайллар бўлиб турадиган, анчайин гавжум масканлардан ҳисобланган «Нодиробегим» номли истироҳат боғининг бугунги аҳолига, ҳурмат билан айтганда, қўнгли айниди. Бу истироҳат боғи шу қадар ташландик ҳолга келганки, пештоқдаги ёзувни ўқиб, билиб олмасангиз, ўзингизни гўё харобазорга келгандек сезасиз. Унинг аввалги файзи, тароватидан ном-нишон ҳам қолмабди...

Истироҳат боғининг чор тарафи маиший хизмат ва савдо шаҳобчалари би-



Истироҳат боғининг ҳақиқатан ҳам қўнгли айниди.

МАМЛАКАТ ҲАЁТИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ

Тошкентдаги халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Япония корхоналарининг тижорат фаолиятини кенгайтириш, хар икки мамлакат ташқи савдо айланмасини янада қўпайтириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Япониянинг ташқи савдонинг ривожлантириш ЖЕТРО ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилди.

лар бир-бирининг имкониятлари тўғрисида етарлича ахборотга эга эмасликлари таъкидланди. Ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш дастури хар икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида муносабатларни ўрнатилиши масаласида кўмақ бўлишига умид билдирилди.

Тадбирда эътибор бериш зарур бўлган муаммолар муҳокама қилинди. Айниқса, томон-

Кучли ер силкинишидан қўп жабр чеққан Покистон аҳолисига Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамнинг биринчи туркуми 12 октябрь кўни Исломободга юборилди.

ТОШКЕНТДАН ИСЛОМОБОДГА

Маълумки, ўтган шанба кўни Жанубий Осиё мамлакатларида рўй берган кучли zilзилардан Покистон катта талафот кўрди. Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами палаткалар, турли дори-дармон, кийим-кечак, озик-овқат ва бошқа энг зарур маҳсулотлардан иборат. Унинг умумий ҳажми эса 40 тоннадан ошади.

ТРАВМАТОЛОГ-ОРТОПЕДЛАР МАШВАРАТИ

Тошкентда Ўзбекистон травматолог-ортопедларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилапти. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган шифокорлар иштирок этиб, тиббиётнинг бу йўналишида эришилган камчилик ва ютуқлар юзасидан фикр алмашишмоқда.

Хусусан, анжуман иштирокчилари асосий эътиборни травматология ва ортопедия соҳасида янги усулларни жорий этиш, бунинг учун замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш масалаларига қаратишмоқда.

лиқни сақлаш вазириликнинг болалар ортопедия ва травматологияси бўйича бош мутахассиси Абдухалиқ Ҳўжанов. — Ҳамма фирмалар ўз дориларини тақлиф қилади. Шифокорларимиз янги ишлашга ётган дори-дармонларнинг суяк мажмуғи, ҳаракат тизимига таъсири бўйича ўз фикрларини билдиришди. Анжуманда барча мулоҳазалар тингланиб, бир хулосага келинади.

— Фармацевтика бозорида дори-дармонлар жуда қўпайиб кетди, — деяди Соғ-

«Туркистон-пресс».

«ЧОДИРЛИ ШАҲАРЧА»НИНГ СИРИ

нинг айтишича, нафақат у, балки қимчи кетиш пайига тушса, майдондаги қуролли шахслар телага қарата ўқ узиб, уларни қайтариб турган. «Палаткада 20 кун яшаган бўлсам, берухсат бирон жойга чиқаришмади, — деди у сўзда. — Ниҳоят отам, акаларим, маҳалламиз оқсоқоли бориб олиб келишди».

Майдонга «тақлиф этилган» ва кейинчалик қўшни давлат худудига ўтиб қолганлардан яна бири — Матлуба Қўчқорова. Уни ҳам ўн етти кун дегандан эри маҳалла оқсоқоли билан бориб олиб келган. М.Қўчқорованинг айтишича, Қирғизистонда адирликда ўн та палатка тикланган. Утасида аёллар яшаган. Хар бир палаткада 35-40 одам жойлашган. «Кетаман, десангиз: «Қайтиб борсанлар, ҳукумат қамаб қўяди, оғир қийноқларга солишди», қабилида ташвиҳот олиб бориладими», — деди у.

13 май кўни тушдан сўнг ун олиб келиш учун бозорга йўл олган Гулнора Сулаймонова ҳам қуролли қимсаларнинг дўқ-пўписиси билан майдонга бориб қолган. «Палаткада ўн олти кун яшадим. Шу кўнлари ёнимдагилар хар хил ваҳимали гапларни айтаиб қўрқитиб турарди», — дейди Г.Сулаймонова ўз кўрсатмасида.

«Ўзбекистонга қайтганимиздан кейин бизга ёки қариндошларимизга бирон-бир таъйиқ ўтказилдими?», деган саволга у: «Йўқ», деб жавоб берди.

Ушбу иш юзасидан гувоҳ сифатида кўрсатма берган Ҳилола Тожибоеванинг сўзларига қараганда, у 13 май кўни эрталаб эски шаҳар бозоридан килиб турганларнинг 439 нафари ташқи кўчлар таъсири остида Рўминияга қўчирилган. Дарбадарликдан бўйин товлаган ва Ўзбекистонга қайтариб юборишларини сўраган бир нафар ватандошимизнинг тақдирини номаълумлигича қолмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон томони ўш шаҳридаги тергов изоляторидан сақлаб турилган 15 кишининг Андижондаги маъмул фожияларга алоқадорлигини тасдиқлайдиган ишончли далилларни тақдим этганига қарамай, улардан 11 нафари яширин тарзда Европага олиб чиқиб кетилган, деган маълумотлар мавжуд.

Шундай қилиб, Ҳ.Тожибоева Қирғизистоннинг Сузук туманига бориб қолди. «Чегарага яқинлашганимизда жангарилар: Барчамизга «Ҳеч қанақа қурол кўрмаганмиз», дейсизлар деб тайинлаётганини эшитдим», — деди у. — Палаткали лагерда 12 кун яшадим. Кетишга йўл марта ҳаракат қилдим. Аммо хар гал ёнимдаги ҳижобли аёллар: «Кетманг, Ўзбекистонга қайтсангиз қамаб қўйишди. Энди бизга нима бўлса, сиз ҳам шунга кўрасиз», дея ваҳима қилиб туришди». Охири у ўзи қаби қўтулга ўчиб, юртдан чиқиб кетган нафар фуқаро Р.Бурхонова билан 24 май кўни уйига қайтди.

Андижон шаҳридаги «Ҳилол» ҳўжалик моллари дўконидан сотувчи бўлиб ишлайдиган Абдулло Қодиров 13 май кўни тушдан сўнг воқеа жойидан сал узокроқда ёнаётган машиналарни томоҳа қилиб турганида, бир тўда одам уни майдонга «бошлайди», «Қаршилик қилмоқчи эдим, бичкинмига нимадир тиралганини сездим», деди у. — Оқибатда Абдулло ҳам иктирёсиз равишда Қирғизистонга ўтиб қолади ва чодирли лагерда 20 кун яшайди. Сўнг уни ота-онаси бориб олиб келади.

«12 май кўни кечаси клиника ёнидаги харбий қисмага ҳужум қилдик, аммо муваффақиятсиз чиқдик», — деди у. — Эрталаб вилоят ҳокимлиги биносига бордим. Кечки пайт харбийлар қалқон қилиб кетаётганимизда, пала-партиш отишмида ярадор бўлиб қочдим ва қайнотамнинг уйига яшириндим. Уч-тўрт кўндан сўнг телевизор орқали Қирғизистондаги лагер ҳақида хабар топиб, ўша томонга йўл олганимизда чегарада қўлга тушдим».

Шуни ҳам эслатиш жоизки, Қирғизистондаги чодирли лагерда истиқомат

қилиб турганларнинг 439 нафари ташқи кўчлар таъсири остида Рўминияга қўчирилган. Дарбадарликдан бўйин товлаган ва Ўзбекистонга қайтариб юборишларини сўраган бир нафар ватандошимизнинг тақдирини номаълумлигича қолмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон томони ўш шаҳридаги тергов изоляторидан сақлаб турилган 15 кишининг Андижондаги маъмул фожияларга алоқадорлигини тасдиқлайдиган ишончли далилларни тақдим этганига қарамай, улардан 11 нафари яширин тарзда Европага олиб чиқиб кетилган, деган маълумотлар мавжуд.

Мутахассисларнинг фикрича, Андижон воқеалари туфайли Қирғизистон худудига ўтиб қолган фуқароларимиз аслида ҳеч қандай халқаро ҳимояга муҳтож эмасди. Шу маънода, бу ишларга бош-қош бўлган БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича олий комиссияси бошқармаси, бир томондан, суверен давлатнинг ички ишларига аралашгани, иккинчи томондан, амалдаги фаолиятини сиёсийлаштириб юборайётганидан жамоатчиликнинг ҳақли равишда таассуф қилмоқда.

Шундай нуфузли халқаро ташкилот мутасаддилари ҳақни ноҳақдан, ростни ёлғондан ажратолмагани, тўғриси, ақраатишни истамагани гоят таъажубланарлидир. Бу минг йилдан кўпроқ аввал буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний айтган бир ҳикматни ёдга солиди: «Хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик туриси олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил...»

Гулом НИРЗАЕВ, Беход НОРБОЕВ, ҲУА махсус мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гулом НИРЗАЕВ, Беход НОРБОЕВ, ҲУА махсус мухбирлари.


(Давоми. Боши 1-бетда).

Гулом НИРЗАЕВ, Беход НОРБОЕВ, ҲУА махсус мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гулом НИРЗАЕВ, Беход НОРБОЕВ, ҲУА махсус мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Таассуф: қўнгли айниди.



Таассуф: қўнгли айниди.



Истироҳат боғининг ҳақиқатан ҳам қўнгли айниди.

ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ ЭҒАСИ БОРМИ?

ташлаган эдик. Чунки, ана қўриб турибсиз, одамларнинг чорва моллари ҳам шу ерда, ўшалар ейди-да...

Ана ҳолоси Тўппа-тузук, оқу қорани таниган тадбиркор шундай деб турса... Истироҳат боғининг бу аҳолига келиб қўлиши сабаблари энди сал ойдинлашгандек. Назаримизда, бу ерлик аҳолининг онгидо жамоат мулкига, анқирқоқ айтсақ, маданият, истироҳат масканига, унинг мисолида атроф-муҳитнинг ободонлашувига заррача жон қўйдириш йўқ. Мулоҳазаларимизни янада жўнлантурсак, эҳтимол улар ўз фарзандлари, маҳалла ёшларининг униёсиши, таълим-тарбияси, бориғки, спорт билан шугулланиши, соғломлашуви, вақтида меҳнат қилиб, вақтида ҳордиқ олиши, умуман, юриш-туриши, исик-совуғига ҳам шундай совуққон эътибор билан қарашар?

Санаб кўрсак, шу яқин атрофда қамиди 5 та сартарошхона мавжуд экан. Бундай шаҳобчаларнинг қўпайгани яқини, албатта, аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам ўзларига тегишли соч чикиндиларини шу истироҳат боғига ташламайдилар, деб айтила оламизми? Шундай ҳам дейлик, бироқ боғ худудининг қаерига қараманг, тўптўп соч қийқимлари кўнглини бехўзур

мизда, уларнинг кўпчилиги истироҳат боғи номигага мавжудлигини, аслида эса, бу ер кечалари турли безорилар, бебош ва бетайин такасалтанглар уясига айланиб қолганини афсус билан таъкидлашди. Вақти-бемаҳал бу ердан турли бақир-чақирлар, ур-ийқит тўполонлар, оғзидан шодди кириб, боди чўкувчиларнинг гала-говури ҳам бот-бот эшитилиб турар экан. Аттган...


Хуллас, гап кўп. Акс таассуротлар бисёр. Наҳотки, Тўйепалдек шаҳарнинг яккаю-ягона истироҳат боғи тақдирини ҳеч қимчи ўйлантирмас? Яқин атрофда камчиликларни бартараф этиб, истироҳат боғини ўз номига муносиб даражада тартибга келтири оладиган, керак бўлса, уни шу кўйга солганларнинг танобини тортиб қўядиган бирор мард топилмас?

Туман ҳокимлиги ва унинг тизимидаги масъул идоралар бу муаммони қандай изохлашар экан. Биз уларга қўзғу тўдик, ҳолос, бу ёғи ўзларига ҳавола...

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.


Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар), «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.



Истироҳат боғининг ҳақиқатан ҳам қўнгли айниди.



Истироҳат боғининг ҳақиқатан ҳам қўнгли айниди.



Истироҳат боғининг ҳақиқатан ҳам қўнгли айниди.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 8 columns representing days of the week (Dushanba 17, Seshanba 18, Chorshanba 19, Pajshanba 20, Juma 21, Shanba 22, Yakshanba 23) and rows for different TV channels (Uzbekiston 1TV, 2TV, 3TV, 4TV, 5TV, 6TV, 7TV, 8TV, 9TV, 10TV, 11TV, 12TV, 13TV, 14TV, 15TV, 16TV, 17TV, 18TV, 19TV, 20TV, 21TV, 22TV, 23TV). Each cell contains a list of programs with their start times.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!
Автотранспорт воситасининг русуми
Бошлангич нархи
Кимошди савдоси ўтказиладиган жой
Кимошди савдоси ўтказиладиган вақт
Автотранспорт воситасининг техник ҳолати

Республика кўчмас мулк биржаси
Тошкент вилояти филиали
Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига қиритилган давлат корхоналари, объектлари ва улушлари бўйича ўтказиладиган ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлиmlларида ўтказиладиган марказлаштирилган биржа савдоларига таклиф этади!

Table with 6 columns: T/p, Автотранспорт русуми, Давлат рақами белгиси, Ишлаб чиқарилган йил, Автотранспортнинг ҳолати, Бошлангич нархи (сум), Ўтказилган вақти. Contains data for various vehicles.

Кимошди савдосида қатнашувчилар диққатига!
Қорондари автотранспорт воситаларининг кимошди савдосида қатнашиш истигини билдирган юридик ва жисмоний шахслар ариза билан жўрашда этиб, автотранспорт воситасининг бошлангич нархининг 10% миқдоридagi тўловни Ангрэн шаҳридаги «Ипотекабанк»нинг МФО 00461, ИНН 203576684, 20203000304112059005-сонли суд ижрочиларининг депозит ҳисоб рақамига ўтказишлари лозим.

ЎЗБЕК-КОРЕЙС САНЪАТКОРЛАРИ КОНЦЕРТИ

Юртимизда давом этаётган Корея Республикаси маданияти кунлари доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида ўзбек ва корейс санъаткорлари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Унинг очилишида сўзга чиққанлар бундай тадбирлар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустахкамлаш, халқларимизни маданий ва санъат воситасида янада яқин-

лаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар. Концертда Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, хонанда Нормўмин Султонов, Жанубий корейлик таниқли опера хонандалари Ким Хи Чонг, Чон Жу Бо томонидан мумтоз ва замонавий асарлар ижро этилди. **Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

ЯНА ТҮРТ ЙИЛ КУТАМИЗ

дея афсусланишмоқда ўзбекистонлик футбол мухлислари, чунки терма жамоамиз Манамада бўлиб ўтган жавоб учрашувида 0:0 дуранг натижа қайд этиб, плей-оф баҳсининг кейинги босқичига чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.



Тошкентдаги ўйин 1:1 ҳисобида яқунлангандан сўнг баҳраинликлар жавоб учрашувни 0:0 натижа билан

яқунлашни мақсад қилган эдилар. Улар мана шу мақсадларига эришиш учун бор имкониятларини ишга солган

ҳолда ҳаракат қилдилар. Бу уларнинг ҳимоя чизигида яққол кўзга ташланиб турди.

Тўғри, ташаббус кўпроқ вакилларимиз томонидан бўлиб, улар бор кучни ҳуқуқига ташлаб ҳаракат қилдилар. Афсуски, барча уринишларни дарвозабон ёки дарвоза устуни чипкака чиқарди.

3 сентябрдаги бекор қилинган ўйиндан нафақат ўзбек футбол мухлислари, балки хорхликлар ҳам норози бўлган эдилар. Хатто, айрим чет эл оммавий ахборот воситалари жаҳон чемпионатида Баҳрайн катнашишидан ФИФА кўпроқ манфаатдор, деган фикрни билдириб, асослаб ҳам бердилар.

Камолитдин АСКАРОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



ЗАРЕМАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Жалолитдин Мангуберди номидаги спорт мажмуида ўтказилаётган ёзги биатлон бўйича Осиё очик чемпионати қизғин паллага кирди.

роповга бронза медаль на-сиб қилди.

Мусобақанинг иккинчи кунги ёшлар ўртасида ўтган олти километр масофага қувиб етиш пойгаси ва милтиқдан отиш баҳсларида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли олимларини бошлади. Кейинги пайтда мухлис ва мутахассислар эътиборини жалб этаётган

ҳамюртимиз Руслан Носиров барча рақибларини ортда қолдириб, мусобақанинг навбатдаги – иккинчи олтин медалини қўлга киритди. Юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган яна бир ёш спортчимиз Мурод Ҳожибоев кумуш медалга сазовор бўлди. Россия вакили Андрей Эвст-

Катталар ўртасидаги беллашуларда россиялик Дмитрий Никифоров марра чизигига биринчи бўлиб етиб келган бўлса, унинг ҳамюрти Алексей Шепарёв иккинчи ўринни эгаллади. Корейлик Лее Ин Бок учинчи ўринни банд этди.

Беш километр масофага қувиб етиш бўйича қизлар пойгаси ва милтиқдан отиш мусобақасида ўзбекистонлик Зарема Мамедова барча рақибларини ортда қолдириди. Жанубий Корея вакиласи Мин Жиев иккинчи ўринга лойиқ топилди. Учинчи ўрин киргизистонлик Жамила Турарбек қизига насиб этди.

Аёллар ўртасидаги беллашулар Қозғистон вакиллари учун омадли бўлди. Унда Людмила Копилченко шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, унинг ҳамюрти Виктория Суганова кумуш медаль билан тақдирланди. Қирғизистонлик Ирина Голован эса бронза медали соҳибаси бўлди.

Мусобақалар давом этмоқда.

ЎзА.

Маънавият ҳақида ўйлар

Суд ҳукми ўқилди. Ота бамайхотир ўрнидан туриб, залдан чиқиб кетди. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек...

Бундан аввалроқ онани оналикдан маҳрум қилинган эди. Оиладаги тўрт фарзанд мактаб-интернатга жойлаштирилди. Болалар бугунги кунда давлат ҳимоясида. Тоза кийиниб, яхши овқатланиб, билим олишмоқда.

Ҳўш, бу оилада нима воқеа бўлган эди. Нима учун бундай ҳолга тушибди? Даврон ва Қизилгул Ажимедовлар (маълум сабабларга кўра исмлари ўзгартирилган) турмуш қуришиб, тўрт фарзанд қўришди. Оилада пайдо бўлган ҳар бир фарзанд уларнинг ҳар иккаласига олам-олам қувонч бағишлаб, янги орзуларни бахш этган кунлар қисқа бўлди. Аввал ота ичкиликка ружу қўйди, кейин эса хотини унга улфат бўлди. Байрамларда ё бирон сабаб билан ичкилик ичишлар сурункалига айланган кетди. Топган пулларига ҳар иккаласи спиртли ичимликлар харид қилишиб, пул йўқ кунлари уйдаги нарсаларни арзон-гаровга сотишни одат қилишди. Болалар билан уларнинг иши бўлмай қолди. Қаровсиз қолган болалар бир бурда нонга зор бўлиб, кўча тентирайдиган, дуч келган жойда қолиб кетадиган бўлишди. Вазият шу даражага бориб етдики, катта ўғиллар майда ўғрилликларга қўл уришиб, аввал кўни-қўшиларнинг, сўнг эса маҳалладошларнинг жонига теги. Охири воқеа етмагандар билан ишлаш комиссиясида бўлиб, Даврон ва Қизилгул ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

қилиниб, болалар тарбияси билан шўғулланишни давлат ўз зиммасига олди. Бор гап шу. Лекин бу воқеа тағдидаги оила фожиаси ҳаммани ўйлантириб қўйди. Нега шун-



«ОТАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНСИН»

Кўрида тилга олинган оила ҳам узоқ вақт ҳамма-нинг эътиборидан четда қолган. Кейинчалик эса бу оддий бир воқеадаги қабул қилинган ва ҳеч ким билан ҳеч қимнинг иши бўлмаган. Энди оталик ва оналикдан маҳрум бўлганлар тўғрисида.

ҳам сусаймаслиги ҳақида ўйлашнинг иложи йўқ. Тажрибали ҳуқуқшунос Ўғилой Оймирозева билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.

— Бугунги кунда юқинг энг каттаси ҳам, масъулиятнинг бутун оғирлиги ҳам маҳалланинг зиммасида. Маҳаллаларимизда олиб борилаётган ибратли ишларни маъқуллаган ҳолда айрим маҳалла оқсоқолларининг нотинч оилаларга бўлган эътибори бефарқликдан

бошқа нарса эмаслигини ҳам тан олиш лозим. Шунинг учун ҳам бутун бошли, бутун юракли, бутун эътиқодли ёшларни воёга етказишимиз, болаларимизнинг қайси йўлдан кетаётганини аниқлаб яшашимиз жуда муҳимдир. Дарахтнинг илдизи бақувват бўлса, новдаларини шамол ҳам, довул ҳам синдириб қўймайди.

Ҳақ гап. Йўлдан адашган ўнлаб ёшлар билан ҳизмат юзасидан учрашганман, уларнинг оилавий аҳволлари билан танишганман. Ҳуқуқшунос опа айтганларидек, уларнинг кўпчилиги оила тарбиясини кўрмаган ёшлардир. Оиладаги муҳит соғлом бўлса, у ерда соғлом инсон воёга етади.

Энди иккинчи бир масала тўғрисида. Биз отани улуг билган, онани буюк деган халқнинг фарзандларимиз. Биз болажон элимиз. Фарзандларининг келажаги учун жонини беришга тайёр юрданми. Шундай элда, шундай юрда оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб яшаш қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин!

«Оталикдан маҳрум қилинсин!» Сундинг бу қарори залдагиларни титратиб юборди... **Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

ЧОЛГУЧИЛАР ТАНЛОВИ

Уни Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодияти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Телевизиокомпанияси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Республика оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мазкур танлов аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида миллий мусиқа меросимизни тарғиб ва ташвиқ этиш, янги истеъодларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Танловнинг илк босқичлари ёзда мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларида бўлиб ўтди.

Якуний босқичда эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юздан зиёд ижорчи катнашди. Танловда созадларнинг қадимий, унутилаёзган куйлар ҳамда бастакорларимизнинг янги асарларини ижро этиш маҳорати синовдан ўтди.

ЎзА.



(Ҳаживия)

ДАРЗ КЕТДИ...

Одатгаддек, бу гал ҳам Набижон улфатчилиқдан ярим тунда қайтди. Бир амаллаб дарвозани ичдан занжирлади-да, тебрана-тебрана йўлақдан ўтиб, айвонга чиқди. Сўнг зинага ўтириб туфлисини ечаркан, таниш кўшиқни хиргойи қилди...

— Бу оламда улуг зот ким-м... Ашула бўғизда қолди: кўзи ҳовли ўртасидаги барқашдай келадиган ялтироқ нарсани илғади.

— Ажабо, қўзимга бир балолар кўриняпти, чиндан ҳам қайфим ошибди чоғи, — деб ўйлади у. Кўзини қайта-қайта юмиб-очди ҳамки, ҳалиги нарса йўқолмади. Бир вақтлар онаси ўргатган калимани келтирмоқчи эди, ҳеч ёдига тушмади.

Набижон ташқарининг чирогини ёқиб, ҳовлига тушди. Не кўз билан кўрсинки, айланма асфальт йўлакнинг оғилга туташ бурчагида эски лой ўрадан зилот сув қайнаб чиқар, сув юзасида тўпин ой қалқиб турарди. У тез-тез юриб бориб энгашди-да, ховучига сув олиб негадир хидлаб қўрди. Сўнг ичди. Яна ичди. Чанқаб тургани учунми, мўздай сув унга ҳузур бағишлади.

— Ия, бу булоқ суви-ку, — деб пичирлади ўзича. «Бутун қишлоқ битта булоқдан сув ташиб тирикчилик қиларди», деб эскилар берорга айтишмаган экан. У бир муддат ширин хавлга берилди...

Набижоннинг ҳовлисига каттакон ҳовуз. Ҳовузнинг қирғоқларига мрамар тош ётқизилган. Унинг тубидаги ранго-ранг тошлар орасида балиқлар сузиб юрибди. Хатто ҳовуз эгасини кенгагина пиянчиста деб, пичинг қилиб юрган одамлар ҳам бугун шифобахш булоқ сувидан ичгани наватбатда туришибди. У эса, бепарво, кимнидир кутяпти. Шу вақт дарвоза-захонада Шоди Ҳазиевич кўриндилар...

Дарвоқе, Шоди Ҳазиевич! Набижон ҳавлига лоп этиб келган фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Ахир боғина зияфатда «Бир косагина булоқ сувидан бўлсайди», деган гап-

ни ўша киши айтганми? Набижон шу вақдан бу янглиқни бошлиққа ҳозирок телефонда айтиб қўйиб керак, деган қарорга келди.

— Худди кутиб тургандек, Шоди Ҳазиевич дастакни тезгина олди-ю, ҳе йўқ, бе йўқ, ҳақорат қила кетди. — Тинч ухлагани қўясанларми, йўқми? Ҳе падалаънатлар, тарбия кўрмаган ҳайвонлар! Телефон ўйнамаларинг, ушлаб олсам, териларингга сомон тикаман...

— Кеңирасиз, Шоди Ҳазиевич, бу мен Набижонман, — деди у айбдорона оҳангда. — Қайси Набижон? Ҳа, Набишка. Нима гап, тинчликми?

— Шу десангиз, сизни безовта қилмай дедим-у, келиннингиз бошлиқнингизга айтмасангиз бўлмайди, деб туриб олди, — деди Набижон. — Боғина кўнглингиз булоқ суви тусоган эди. Фарийшта омин деган эканми, уйга келсам, ҳовлимиздан булоқ ёриб чиқибди... Йўқ, қайфим йўқ. Энди илтимос, акажон, шу булоқ сувини олдиндан бир ҳўллаб ичиб, табаруқ қилиб берасиз. Катта ишларга кўтарилиб кетганингизда мактабим юрамингизда... Булоқ сувини соғинганман, дейсизми? Қадамларингизга хасанот! Ҳа, эртага кечки томон денг. Ҳа-я, эртага яқшанба. Кўзим тўрт бўлиб кутаман.

Хайрлашишга ҳам улгуролмади. Дастак «дуд-дуд»лаб, қолди. Набижон ўзини жуда енгил ҳис қилди. Булоқ сувига юз-қўзини ювди-да, ҳафсага билан дастурмолга артинди. Шу пайт водопровод краңига кўзи тушди. У ўзича мулоҳаза қила бошлади: «Эртага Шоди Ҳазиевич келгач, булоқнинг олдида краң нимаси, деб кулмасмикан? Албатта, кулади!» Набижон омборхонадан темир қирқади-ган аррани олиб чиқиб, краңни тағидан аралай бошлади.

Ховлидаги шовқиндан уйғониб кетган Эътиборхон «хай-хай»лаб, эрининг олдида югуриб чиқунча краң «тарс» этиб қулади.

— Набижон ака, эсингизни еб қўйдангизми? Нима қилиб қўйдингиз? — Эътиборхон йиғлаб юборди.

— Булоқ бор жойда краң нима қилади? — деди Набижон хотиржам.

— Қанақа булоқ? — сергақланди хотини. Кейин гап нимадалигини тушуниб, кулиб юборди.

— Ахир у водопровод қувурининг ёригидан чиқётган сува-ку.

Набижон кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмай, серрайиб туриб қолди. Сўнг қўллари билан бошини чангаллаганича кўзини юмди...

Рустам ХУДОЙҚУЛ.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2005 йил 22 сентябрдаги 11-0515/4952-сонли иши ажримига асосан, Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиқсўт» ОАЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва биринчи кредиторлар йиғилишини 2005 йил 20 октябрь соат 11.00 га белгиланган. Шу муносабат билан «Чирчиқсўт» ОАЖ биносида 2005 йил 20 октябрь кун соат 11.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилади. Барча кредиторлар ваколатномалари билан катнашишлари шарт. Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 3. М. Бобур проспекти, 10-мкр. Маълумот учун телефонлар: Тошкентда: 139-21-60, 139-21-56. Чирчиқда: 8-271-3-07-21, 3-07-22.

Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Радио ПЕЙДЖ-Семур» қўшма корхонаси Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан қайта рўйхатдан ўтишини (таъсисчининг рўйхатидан чиқishi) маълум қилади. Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 144-86-97 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Самандар» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси тугатилиб, масъулияти чекланган жамият мақомига ўтиши муносабати билан давлолат эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида 133-58-81 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Қўйичирик туманидаги 26-мактаб томонидан 1991 йилда Абдуқаймова Анаора Акрамовна номига берилган O'R-A 470170 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яроқ, ўзоқ	Фарс-тожик шоври	Шарк табиби	Жафо	Мусиқа асбоби	Куръон ўқувчи	Мусиқа асбоби	Рус йувачиси, «Мушу» ағори
Кадим, сударайиб юрчуй хайвон	Ўзбек шовраси	Кимё моҳида	Шнд-датил хужум (русча)	«Дарат» Германиядаги қон	Ч. Айтматов асари	Мусиқа асбоби	Нотик (русча)
Россия, дарё	Бегля, из	Касо-фат	Дуруст, яхши	Мерос-хўр	Муге, ка-рам	Кўчман-чи қишлоқ	«Али... ва 40 қарачи»
Вене-сузаладаги «Али» тармин (ўзбек.)	Министр (кадим ўзбек)	Юрри-натяга (русча)	Ракс	Чуқур-лик	Киргизистон шаҳар	Япония-даги лоту шаҳар	Урф
Осей-даги давлат	Ишсиз	Дех-ляздаги ювнинг жойи	Мингориан Калон меймори	Ингла меймори	Нидо-незия-даги орол	Польша пул бирлиги	Тизгин
Орау, ният	Шайх-лар либоси	Индияда мувола-фат Ширин-лик	Польша пул бирлиги				

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** **Бош муҳаррир** **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ** **Телефонлар:** **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.** **Манзил:** **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.** **Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.** **Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва соҳифаланди.** ● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.